

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ

# ДАДАМ ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР



**Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ**

**ДАДАМ ҲАҚИДА  
ҲИКОЯЛАР**


**Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти  
Тошкент - 2008**

**Kitobxon.Com**

Таниқли ёзувчи Мухтор Худойкулов ўзининг мазкур китобига кирган кўплаб топилмаган, воқеий ҳикояларида падари бузрукворининг ҳаёти, фаолияти, феъл-атвори, у киши билан ҳамнафас бўлган инсонлар хусусида меҳр билан қалам юритади. Тўпلامнинг диққатга молик томони шундаки, муаллиф бир инсон ҳаёти мисолида яқин ўтмишимизнинг ғаройиб манзараларини ёрқин бўёқларда ифода этади.

ISBN 978-9943-06-167-5


© Мухтор Худойкулов  
© Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти



Менинг дадам Мулла Худойкул аълам  
Ахмадкул ўғли (1894-1985). Сураг 1960 йилда  
олинган.

## СЎЗБОШИ ЎРНИДА

Дадам Мулло Худойкул аълам Аҳмадқул ўғли жуда билимдон, рухан кучли, нуроний одам эдилар. У киши юз йилча умр кўрдилар ва жуда кўп воқеаларни бошларидан кечирдилар-ки, бу воқеа ва ҳодисотлар, падаримизнинг босиб ўтган ҳаёт йўллари биз – фарзандлари учун ибрат манбаидир. Шуларни ўйлаб ва бу табаррук инсоннинг умр сабоқлари ҳурматли китобхонларга ҳам асқатиб қолар, деган умидда ушбу ҳикояларни ёзишга бел боғладим, ўқиганлар муродларига етсинлар.



## «БИР ЙЎЛДАН ЮРИНГЛАР»

Бир куни дадам ўз хужраларида ўтирганларида у кишининг якин шогирдларидан бўлмиш Мулла Мирзоюсуф акам кириб келди. Вақт чошгоҳдан ошган, шу боисдан у кишининг ўз уйларида эмас, бошқа бирор жойдан қайтаётиб кириб ўтганликлари сезилиб турарди.

– Қаёқдан келаяпсиз? – деб сўради дадам Мирзоюсуф акамдан.

– Райондан, – деб жавоб қилди Мирзоюсуф акам (Бизда районимиз марказини шундай дейишарди – М.Х.). – Пенсиямни тўғрилаш учун райсабиз (ижтимоий таъминот идорасини шундай дейишарди – М.Х.)га борувдим...

– Ҳам хўрдани, ҳам бурдани урмоқчи бўлиб юрибман денг? – деди дадам ярим ҳазил, ярим истехзо билан.

Мулла Мирзоюсуф акам урушдан олдин ўқитувчилик қилган, кейин у-бу ишларда ишлаб юрарди. Нафақа олиш учун хужжатларини тўғрилай олмасдан анча сарсон бўлаётганликларини айтди.

– Ҳам мулломан деб халқнинг ош-нонини ейсизлар, ҳам хизматчи бўлганман деб давлатнинг пулини олиш пайдасизлар-а, – деб ўз сўзларини давом эттирди дадам ҳамон ўша истехзоли оҳангда. Кейин жиддий қилиб кўшиб кўйдилар: – Одам бир йўлдан юриши керак...

Мулла Мирзоюсуф акам дадамнинг гапларига нима деб жавоб қилишни билмасдан индамай ерга қараб қолди. Ўшанда мен дадам мулла акамни бекорга хафа қилгандай туюлган эди. Лекин у киши бу гапни инсон битта эътиқодда бўлиши керак, деган маънода айтганликларини кейин тушуниб етдим. Дадамнинг ўзи эса то умрининг охиригача бир эътиқодда турди, замонасозлик қилмадилар. У киши ҳатто «керак бўлиб қолар», деб ўрис ҳарфини ҳам ўрганмадилар, газета-журнал ўқимадилар. Эсимда бор, бир йили Тошкентга келганларида «Эски китоблар сақланадиган кутубхона бор экан деб эшитдим, шу ерга олиб кир-чи», – деди. Мен у кишини Шарқшунослик институтининг кутубхонасига олиб кирдим. Дадам кутубхона тоқчаларида қатор терилиб турган қадимги китоблар ва қўлёзмаларни кўриб: «Хайрият, бу хил китобларнинг ҳам кадрига етиладиган жой бор экан», –

дедилар-у, китобларни бир– бир олиб, сарлавҳасини, айрим жойларини ўқиб «Бу – фалон китоб экан, буниси эса фалон нодир қўлёзма экан», – деб қўярдилар. Ёнимизда юриб бизга китобларни кўрсатаётган кутубхона мудир дадамнинг арабча, форсча китобларни бир қарашда бемалол ўқиётганликларини кўриб ўша пайтдаги институт директори бўлган машхур шарқшунос олима Сабоҳат Азимжоновага кириб: «Кутубхонамизга бир одам келди, жуда билимдон экан», деб айтганлар шекилли, биз чиқиб кетаётганимизда директор мени ўз хузурига таклиф қилиб: «Дадангизни жуда билимдон одам дейишди, у кишидан сўрасангиз, бизга ишга келсалар, яхшигина маош тўлаймиз», – деб қолдилар. Мен бу таклифни дадамга етказиб, натижасини кейинроқ маълум қилишимизни айтдим. Бу ҳақда дадамга сўз очганимда у киши ўйланиб туриб: «Таклифлари учун раҳмат, аммо биз соқол қиртишлаб, курсида ўтириб ишлашга ўрганмаганмиз-да», – деб жавоб қилдилар.

Ҳа, дадам бир йўл – дину имон, эътиқод йўлидан юриб ўтдилар, ўткинчи амалларга қизикмадилар.



## «ЎРИС БЎЛИШГА ШОШИЛМА...»

Мен ёшлигимда «аълочи», янги замон тартибларига берилувчан, маҳмаданароқ бола эдим. Қишлоғимиздаги тенг-тўшларим оддий дехқон болалари, борича кийиниб, сочларини тап-тақир олдириб, дўппи кийиб юрадиган болалар эди. Аммо мен кўп китоб ўқиганимданми европача кийиниш, янгича бўлишни орзу қилардим, шу боисдан бир куни сартарош устага бориб, роса ялиниб, пешонамдан ўрисча соч кўйдириб олдим. Лекин бошқа болалар кулишмасин, катталар «мулланинг ўғли бўла туриб ўрисча соч кўйибди», дейишмасин учун дўппимни пешонамга бостириб кийиб, сочимни яшириб юрдим. Мен: «Сочимни дадам кўрса нима деркин, урушмасмикин?» деб жуда ташвишда эдим. Охири бир куни овқат пайтида бувим (онам) дадамларга: «Мухторингизни қаранг, ўрисча соч кўйдириб олибди», деди. «Энди нима бўларкин?» деб кўрқиб турсам дадам ковоғини солганларича:

– Ўрис бўлишга шошилма, барибир бўлмайсан, – дедилар. Кейин кўшимча қилиб: – Мен ўрис бўлдим деганинг билан ўрис сени ўз қаторига қўшмайди, – деб қўйдилар.

Дадамлар бу билан: «Ўз миллатингга хиёнат қилма», деганларини анча кейин тушуниб етдим.

Дадам бизнинг ўрисларга бунақа – шошма-шошарлик билан таклид қилишимизни хушламасалар ҳам аммо рус тилига, рус илму фани, техникасига, рус халқининг билимдонлигига катта ҳурмат билан қарарди. У бизга доим: «Ўрис тилини ўрганинглар, ҳозир қаерга борсанг – иш русларники», – дердилар. Қишлоғимизга бирорта рус тили ўқитувчиси кўчиб келгудай бўлса уни меҳмонга чақиртирар, бизга эса: «Ўқитувчининг боласини уйга таклиф қил, ҳамсухбат бўл, тилини ўрган», – деб тайинлардилар.

Эсимда бор, уруш йиллари бизнинг ҳовлимизга Украинадан кўчирилган бир оила келиб истиқомат қилди. Дадам уларнинг уларнинг иссиқ-совуғидан хабар олдиртириб, бир коса иссиқ овқат чиқартириб турардилар. Ўша оиланинг кекса бобоси шу ерда оламдан ўтди, уни биздан анча наридаги темир йўл станциясидаги руслар кабристонига олиб бориб кўмишган. Дадам қариянинг ғайридинлигига қарамасдан унинг дафн маросимида қатнашиб, урушдан азият чекиб буёқларга



келиб қолган, бошига не-не мусибатлар тушган (оиланинг асосий эркаги йўқ – урушда эди) бу мусофирларга қўлларидан келганча ёрдам берган эдилар. Уруш тамом бўлиб, бу оила ўз юртига қайтиб кетаётганда оиланинг аёли дадамларга қилган яхшиликлари учун ергача эгилиб таъзим қилиб, ўз миннатдорлигини билдирганини ўз кўзим билан кўрганман. Энди билсак, падари бузрукворимиз бизга: барча миллатларни хурмат қилгин-у, аммо ўз миллатингнинг шаънини маҳкам тут, деб таълим берган эканлар...



## «ҲА, МЕН МУЛЛАМАН...»

Совет даври – дахрийлик даври эди, имон-эътиқодсизлик даври эди. Маркс таълимоти бўйича «Дин – халқ учун афюн», диндорлар эса душман ҳисобланарди. Динга чин дилдан эътиқод қилувчи – руҳоний сўзи эса жосус, ашаддий ёв деган сўзлардан ҳам баттароқ тушуниларди. Советларнинг йигирманчи-ўттизинчи йиллардаги қонхўрликларини фақат кейин ўқиб, эшитиб билдигу, яқин-яқинларда – эллингичи, олтмишинчи йилларда ҳам илмли кишилар, муллалар худди халқ душманидай таъқиб ва тазйиқ остида яшашганига ўзимиз гувоҳмиз. Жумладан, менинг дадамнинг ҳам бошида аллақандай кўзга кўринмайдиган, дахшатли хавф доимо босиб туришини биз – ёш болалар ҳам дилимиздан сезар эдик. Бу – дадамнинг доим нимадандир ташвишланиб, қовоқ солиб юришидан, бувим (онам) билан гоҳ-гоҳ қисқа, ташвишли гап-сўзларидан, кўча-кўйлардаги гаплардан билиниб турарди. Баъзан дадамнинг олдига совуқ башарали кимсалар чакириб келишар, хужраларида анча вақтгача нималарнидир гаплашишар, кейин кетишганда бувимнинг: «Дадаси, келган ким экан?» деган саволига дадам: «Ишларинг бўлмасин», деб кўяр, қайта-қайта сўралганда «Анув ёқнинг одамларидан», – деб кўяқолардилар. Дадам шу ўртанинг забардаст муллеси бўлгани учун «ўта хавфли» руҳоний ҳисобланар, шунинг учун унинг тепасидаги қора булутлар сира аримас, тобора қуюклашиб борарди. Биз дадамни «ана олиб кетишади, мана олиб кетишади», деб доим хавотирда юрардик. Охири ўша, биз юрак ҳовучлаб кутган қора кун келди: кўшни Пандигон қишлоқлик Қосим кўр деган бир кўзига оқ тушган шабкўр, башараси совуқ милиция ходими отда келиб, дадамни чакириб, дағдага билан олдига солиб кетди. Ҳали-ҳали кўз олдимда: канал бўйида оқ ятак, оқ лозимлик дадам кетиб бораёпти, унинг орқасидан отда Қосим кўр қўлидаги камчисининг сопи билан дадамнинг елкасидан тез-тез туртиб, тезлатиб бораёпти. Биз, ёш болалар: «Вой дада, дадамдан айрилиб қолдик», деб уввос тортиб йиғлардик, бувим бўлса: «Илоя, бу кўзинг ҳам кўр бўлсин, шундай одамни туртган қўлларинг лаҳадда чирисин», деб Қосим кўрни қарғарди. Мен дадамнинг орқасидан улар то ҳу канал муйилишида кўринмай қолгунларича қараб турдим.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/oz/asar/1028> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/1028> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию  
можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/1028>